



Мукаддас Куръони Карим оятларида бутун оламнинг тузилиши хакида гоятда кўплаб маълумотлар хабар килинган. Ёмгир хосил килувчи шамоллар хакида хабар берувчи мана бу ояти каримага эътибор берайлик.

«Биз шамолларни (булутларга) хомиладор бўлган холларида юбордик, осмондан сув (ёмгир) ёгдириб, сизларни у билан сугордик». Хижр сураси, 22-оят

Оятда ёмгирнинг хосил бўлиш жараёнида биринчи боскич сифатида айнан шамолларга эътибор қаратилган. Йигирманчи асрнинг бошларигача агар ёмгирнинг хосил бўлишида шамол иштирок этса ҳам, унинг вазифаси фақат булутларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юришдангина иборат деб саналарди. Аммо замонавий метеорологик тадқиқотлар шамолларнинг ёмгир хосил бўлишида ўзига хос «оналик» вазифасини бажаришини аниқлаб берди.

Уммон ва денгизларнинг сатхида кўпик хосил бўлиши натижасида хар лахзада сон-саноксиз хаво пуфакчалари вужудга келади. Бу пуфакчалар ёрилганда, миллиметрнинг юздан бирича келадиган майда сув зарралари хавога сочилиб кетади. Аэрозоль деб аталувчи бу заррачалар шамол таъсирида курукликдан келган чанг билан аралашиб, сўнг атмосферанинг юкори катламларига кўтарилиб кетадилар. Шамол юксакларга кўтариб кетган мана шу заррачалар бу ерда сув бугларига дуч келадилар. Сув буглари мана шу заррачаларни дархол ўраб олади. Уларнинг зичлиги тобора ортиб бориб, аста-секин сув томчиларига айланади. Сув томчилари ҳам бир-бирига қўшила бориб, ёмгир булутларини ташкил қилади, улар эса намликка тўйинган холда, бироздан сўнг Ерга ёмгир ёки бошка турдаги ёгин кўринишида ёгила бошлайди.

Бошқача қилиб айтганда, ёмгирнинг хосил бўлиш жараёнида шамол ўзига хос «оналик» вазифасини ўтайди, яъни булутларни шамол вужудга келтиради. Бу жараён айнан ояти каримада баён қилингандек кечади.

Ўн тўрт аср аввал инсонлар ёмгирнинг қандай хосил бўлиши, бу жараёнда шамолнинг қандай вазифа ўташи хакида ҳеч қандай жиддий тасаввурга эга эмас эдилар.